

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИННИГ  
ҚАРОРИ**

**Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида** Ўзбекистон Республикаси  
Олий кенгашининг қарори

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида эълон қилинган принципларга мувофиқ, жамият барча аъзоларининг қадр-қимматини, teng ва дахлсиз ҳуқуқларини эътироф этиш инсон эркинликларини таъминлашнинг асоси эканлигини эътиборга олиб, шунингдек болалар алоҳида ғамхўрлик ва ҳимоя ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1989 йил 20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 44-сессияси қабул қилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги **Конвенцияга** қўшилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев**

Тошкент ш.,  
1992 йил 9 декабрь,  
757-ХII-сон

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 41-модда)*